

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlari ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 8-mart, shanba
№ 19 (15761)

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз орзикиб кутган сўлим баҳор кириб келиши билан табиат очилиб, кўнгилларимиз ёруғ туйғуларга тўлиб бораётган мана шу шукухли айёмда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан баҳтиёрман.

Биз бугун Яратганинг буюк мўъжизаси бўлган, ҳаёт давомийлиги ва абадийлигини ўзида муҗассам этган аёл зотини, табаррук оналарни улуғлар эканмиз, беихтиёр мутафакир бобомиз Алишер Навоийнинг «Жаннат оналарнинг ёғи остидадир» деган мазмундаги ҳикматли сўзларини эслаймиз ва муқаддас Она сиймоси олдида таъзим қиласиз.

Ўзининг латофати ва нафосати, вафо ва садоқати, қалб саҳовати билан оилани оила қиласидиган, хонадонларимиз бекаси ва чароғбони бўлмиш сиз, мунис аёлларимизга ҳар қанча тасоннолар айтсан, сизларни ҳар қанча эъзозлаб, бошимизга кўтарсан, арзиди, албатта.

Азизларим!

Ҳеч кимга сир эмас, мен давлат раҳбари сифатида доимо ўз чиқишлиаримда сиз, аёл зотига юксак ҳурмат ва эҳтиром билдириб, олдимизда турган улкан вазифаларни амалга оширишда, рўзгор ва оила тебратишда, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилишда, қайси соҳа бўлмасин, сизларнинг кўшаётган бекиёс ҳиссангизни ўзимга яққол тасаввур қилиб, сизларга яна ва яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишдан чарчамайман.

Ҳақиқатан ҳам, сиз, азизларнинг юртимизда тинчлик-осойишталикини сақлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятимизда меҳр-оқибат мұхитини кучайтиришдаги ўрнингиз ва таъсирингизни, чидам ва сабр-бардош, оқилалик ва шукроналик каби фазилатларингизни ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди. Ҳеч иккилан масдан айтмоқчиман: ўзининг гўзаллиги ва фидойилиги, меҳнаткашлиги ва бағрикенглиги билан бизнинг юртимиз аёлларига тенг келадиган аёллар дунёда камдан-кам топилади.

Хурматли ватандошлар!

Биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқенини, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги, иқтисодиётимизнинг турли соҳаларидаги нуфузини ошириш бўйича қандай катта қадамлар қўйганимиз ҳақида ортиқа гапиришнинг хожати йўқ, деб ўйлайман.

Бугун биз бошимиздан кечираётган, тез ўзгариб бораётган глобаллашув замонида сизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳаётимизнинг ҳал қилувчи устувор ўнналишларида, замон талаблари билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, улкан ютуқларга эришадиганнинг биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бугунги кунда юртимизда меҳнатга лаёқатли бўлган хотин-қизларимизнинг 62 фоиздан зиёди иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасида фаол меҳнат қилмоқда.

Тан олиш керакки, аёллар бандлиги ҳақида сўз юритганда, биз одат-

да хотин-қизларнинг меҳнати асосан таълим соҳасида, аввало, боғча ва мактабларда, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида, енгил ва озиқ-овқат саноати, қайта ишлаш тармоқлари каби анъанавий йўналишларда, маданият ва санъат соҳасида кўпроқ талаб этилади, деб ҳисоблашга ўрганиб қолганимиз.

Шу муносабат билан бундай эскича қарашларни рад этадиган, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликда қизикиш ўйғотадиган баъзи бир аниқ рақам ва мисолларни келтиришни ўринли деб биламан.

Мисол учун, бугунги кунда фақатгина умумий ўрта таълим мактабларидан хизмат қилаётган муаллим ва мураббийларнинг 70 фоизга яқинини аёллар ташкил қиласи. Айни вақтда таълим-тарбия соҳасида энг замонавий босқич бўлмиш касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизимида меҳнат қилаётган опа-сингилларимизнинг улуши қарийб 50 фоизни, олий ўкув юртларида эса аёл профессор-ўқитувчилар 43 фоизни ташкил этиши алоҳида эътиборлидир.

Ёки соғлиқни сақлаш тизимини оладиган бўлсак, соҳадаги тиббий хизматчиларнинг 78 фоизи хотин-қизлар бўлиб, уларнинг салкам 53 фоизи врач аёллардир. Улар тиббиёт соҳасининг деярли барча тармоқларида, жумладан, энг мураккаб, юқори технологияларга асосланган, ихтинослашган йўналишларида фаол иш олиб бормоқда. Шифокор аёлларимизнинг 1 минг 100 нафардан ортиғи илмий даражага эга бўлиб, бу олий малакали врачлар умумий сонининг 37 фоизини ташкил қиласи.

(Давоми 3-саҳифада)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юртимизда мўътабар аёл зотига муносаби хурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, баркамол хотин-қизлар авлодини вояга етказиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июнданги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни кўллаб-куватлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ қабул килинган Низомга асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг аъло хулқи, зукколиги, ўқишидаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъодини намоён этадиган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларидағи алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат муко-

фоти бўйича кўзда тутилган 14 та мукофот ўрнига 2014 йил учун истисно тариқасида 16 та мукофот берилиши белгилансин.

3. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамига багишлаб ўtkaziladigan тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъодиди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Э.Баситханова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2014 йил 3 март.

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартағи ПҚ-2138-сон Қарорига илова

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РҮЙХАТИ



Жолдасбаева
Айжамал
Максетбай қизи



Абдумуталибова
Ойдиной
Камолиддин қизи

Жолдасбаева Айжамал Максетбай қизи —
Қарақалпок давлат университети қошидаги
1-академик лицейнинг 2-босқич ўкувчиси

**Абдумуталибова Ойдиной Камолиддин
қизи** — Андижон педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт колледжининг 3-босқич ўкувчиси

Намозова Моҳинур Бобировна — Бухоро
туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг
9-синф ўкувчиси

Холбекова Ёқутхон Назарқосим қизи —
Жizzax транспорт, алоқа касб-хунар колледжининг
3-босқич ўкувчиси

Нодирова Мафтұна Рустамовна — Қарши
давлат университетининг 4-босқич талабаси

Қосимова Зария Ўқтамовна — Навоий
вилояти Зарабшон компьютер технологиялари
колледжининг 1-босқич ўкувчиси

Усубжанова Шоҳсанам Азамжон қизи —
Наманган вилояти Косонсой туманидаги 22-уму
мий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўкувчиси

Олимова Дурдана Олим қизи — Самарқанд
шаҳридаги Сиёб тиббиёт колледжининг 1-босқич
 ўкувчиси

Холжигитова Дилбархон Баходир қизи —
Гулистон давлат университети қошидаги
1-академик лицейнинг 3-босқич ўкувчиси

Баротова Лутфия Абдусаттор қизи —
Сурхондарё вилояти Термиз қишлоқ хўжалик
касб-хунар колледжининг 1-босқич ўкувчиси

Юсупова Нилуфар Қодир қизи —
Сурхондарё вилояти Термиз санъат колледжининг
3-босқич ўкувчиси

Абдулхакимова Севара Одил қизи — Тошкент
вилояти Ангрен ахборот технологиялари ва
саноат касб-хунар колледжининг 1-босқич ўкувчиси

**Мамадибрагимова Динораҳон Муҳаммад-
райим қизи** — Чирчиқ олимпия заҳиралари колледжин
2-босқич ўкувчиси (Фарғона вилояти)

Атажонова Гулляр Комилжон қизи — Урганч
давлат университетининг 3-босқич талабаси

Роминова Насиба Тоҳир қизи — Хоразм
вилояти Хива туманидаги 7-умумий ўрта
таълим мактабининг 9-синф ўкувчиси

Ҳакимова Хуршида Сарвар қизи —
Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 122-уму
мий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўкувчиси



Мамадибрагимова
Динораҳон
Муҳаммадрайим қизи



Атажонова Гулляр
Комилжон қизи



Намозова Моҳинур
Бобировна



Нодирова Мафтұна
Рустамовна



Усубжанова
Шоҳсанам
Азамжон қизи



Холжигитова
Дилбархон
Баҳодир қизи



Юсупова Нилуфар
Қодир қизи



Роминова Насиба
Тоҳир қизи



Холбекова Ёқутхон
Назарқосим қизи



Қосимова Зария
Ўқтамовна



Олимова Дурдана
Олим қизи



Баротова Лутфия
Абдусаттор қизи



Абдулхакимова
Севара Одил қизи



Ҳакимова Хуршида
Сарвар қизи

8-mart — Xalqaro хотин-қизлар куни

МЕҲР-МУҲАББАТ, ГЎЗАЛЛИК, ФИДОЙИЛИК РАМЗИ

«Туркистон» саройида 8 марта — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати
билин тантанали тадбир бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фароновлигини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнда хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш, уларни кўллаб-куватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор

ўз ифодасини топмоқда.

Турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар 7 марта куни Тошкентдаги хурриятимиз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар кўйди. Пойтаҳтимиздаги ибратли маҳаллалар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, мактабгача таълим ва тиббиёт мусассасалари фаолияти мисолида оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, қизлар саломатли-

ги ҳақидаги фамхўрликнинг самаралари билан танишиди.

Шу куни «Туркистон» саройида ушбу сана муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ижтимоий-иқтисодий, илмифан, маданий-маърифий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилот-

лари вакиллари, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг давлат маслаҳатчisi X.Султонов ўқиб эшигитириди.

Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosari, Хотин-қизлар қўмитаси раиси

Э.Боситхонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиши, уларга замонавий касб-хунар сирларини ўргатиш, Ватанимиз обруси ва нуфузини тобора юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида хотин-қизларга хурмат ва ётиром кўрсатиш, уларни ҳар жиҳатдан кўллаб-куватлашга устувор вазифа сифатида этибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 3-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва технологик янгилаш бўйича амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларимиз натижасида иқтисодиётнинг автомобилсозлик, микробиология, фармацевтика, электрон ва электротехника саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, сервис ва бозор иқтисодиёти хизматлари каби юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқларида ҳам хотин-қизларнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда аёлларимизнинг нозик қўллари, интеллектуал салоҳияти, тиришқоқлиги ва маҳорати билан мазкур соҳалар юртимизда кенг ривож топмоқда, бошқача айтганда, аёл зоти ана шу ўта мураккаб жабҳада ҳам барчани қойил қолдирмоқда.

Мамлакатимиздаги мобиъалоқа ва интернет-провайдер операцияларини бажарадиган муассасаларда ишлаётган хотин-қизларнинг қарийб 55 фоизини, молия ва кредитлаш соҳасида меҳнат қилаётган мутахassislarining эса 43 фоиздан ортигини опа-сингилларимиз ташкил этаётгани ҳам бу фикрнинг амалий тасдиғидир.

Бугунги ҳаётимизнинг яна бир муҳим, ўзига хос жихати сўнгги йилларда тадбиркорлик, хусусий ва оиласий бизнес соҳасида ҳам аёлларнинг иштироки кучайиб бораётганида намоён бўлмоқда. Буни охирги ўн йilda кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробар ошгани, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизини айнан улар бошқараётгани мисолида кўриш мумкин.

Хозирги вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатчиларнинг қарийб ярмини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бинобарин, юртимизда мўл-кўл пахта ва ғалла, пилла, сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари етиширишга, бозор ва дўконларимиздаги тўкинчилик ва арzonчиликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётган заҳматкаш ва фидойи опа-сингилларимизга ҳар қанча таҳсин айтсан, арзиди, албатта.

Бугунги кунда хотин-қизларимиз мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида, хукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жарайёнларида фаол иштирок этмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, минглаб аёллар сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимиёт ва вакиллик органларида, но давлат ташкилотлар тизимида самарали иш олиб бораётгани-

ни айтиш ўринлидир. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибида 33 нафар, Сенат таркибида 16 нафар аёл депутат борлигини, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида мамлакатимиз парламентининг қўйи палатасининг раиси ҳамда юқори палатаси раҳбарининг ўринbosari сифатида аёллар фаолият кўрсатадигани, шунингдек, Буш вазир мувовини, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринbosarларидан бири аёл эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маҳаллаларимизда маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиликдек энг нозик, энг мураккаб вазифани ўз масъулиятiga олган, оиласарда соғлом мухитни мустаҳкамлаш, ёш оиласар, айниқса, энди ҳаётга қадам қўяётган қизларимизга тўғри йўл кўрсатиш, уларнинг ташвиш ва муаммоларини ечишда энг яқин қўмакчи ва маслаҳатгўй бўлиб келаётган айни шундай опа-сингилларимизга чин юракдан ташакур изҳор этишини ўзимнинг бурчим деб биламан.

Мустақиллик йилларида юртимизда 13 нафар опа-сингилларимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган олий унвонга мушарраф бўлдилар. **Лекин менга буюрса, ҳам давлат хизматини, ҳам жамоат ишини, ҳам оила ва рўзгор юмушларини, ҳам фарзанд тарбиясини қойил қилиб бажариб келаётган барча-барча аёлларни қаҳрамон деб айтган бўлардим.**

Мана шундай мураккаб, ке рак бўлса, эрқаклар ҳам кўтаролмайдиган оғир вазифаларни ўзининг нозик елкасида кутариб келаётган, нолимасдан, доимо шукроналик билан яшайдиган аёллар билан барчамиз ҳақли равишда фахрланишимиз, улардан ўрнак олишимиз лозим.

Қадрли опа-сингиллар!

Юртимизда 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши аввало аёлларимизнинг кўнглидаги иш бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Нега деганда, боланинг соғлом туғилиши, юқсак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга бўлган баркамол авлод бўлиб voyaga этиши, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллаши қандай буюк ва бебаҳо баҳт эканини биринчи навбатда она зоти теран англайди.

“Соғлом бола йили” давлат дастурида ўз ифодасини топган, хусусан, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизни обод

қилиш бўйича кенг кўламли ишларимизни изчил давом эттириш, янги-янги корхоналар, мактаб, лицей ва коллежлар, тиббиёт, маданият ва спорт обьектлари, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта замонавий ўй-жой барпо этиш каби кўплаб тадбирлар ҳам аввало ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўлида янги, амалий қадам бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, мазкур дастур доирасида жами 4 трилион 509 миллиард сўмдан зиёд ва салкам 303 миллион доллар миқдоридаги маблағ сарфлаш белгиланган бўлиб, бу ҳалқимизнинг ҳаётдан сифати ва даражасини ошириш, аёлларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қиласи.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушнамизки, хотин-қизларимиз учун янада қулай шароит яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакаси, истеъодд ва салоҳиятини амалда намоён этишига кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Юртимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ахилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг онгини четдан ёпирилиб келаётган турли ҳавф-хатарлар, “оммавий маданият” хуружларидан саклаш, оиласарда, маҳаллаларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизнинг самарасини оширишини бугун тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шу борада мен жондан азиз фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни болалиқдан бошлаб замонавий билим ва касб-хунарларга, маданият ва спортга ошно этиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғулаштириш каби муҳим вазифаларни амалга оширища сиз, муҳтарама аёлларимизга, сизларнинг ақл-заковатингиз, жонкуярлик фазилатларингизга таянаман.

Азиз ва қадрли опа-сингиллар!

Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек гўзал ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Умрингиз узок, иқболингиз зиёда бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин!

Доимо оиласиз ва фарзандларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(Давоми, аввали 2-саҳифада)

Мустақилликнинг дастлабки кунларида ёк ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташкил этилиши хотин-қизларнинг хукуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан кўллаб-куватлаш, оила, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш каби эзгу йўналишлардаги ишлар кўлами ни янада кенгайтириш имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-куватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони аёлларни ижтимоий ҳимоялашга оид ишларни кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, фаолияти хотин-қизларга оид жамоат тузилмалари ишини доимий мувофиқлаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётir.

МЕҲР-МУҲАББАТ, ГЎЗАЛЛИК, ФИДОЙИЛИК РАМЗИ

Она ва бола скрининги, перинатал марказлари, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари, оиласий поликлиникалар, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари хотин-қизлар саломатлигига ғамхўрликни янада кучайтириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, бадий гимнастика, синхрон сузиш каби спортнинг нафис турлари жадал ривожланиб, жаҳон андозалари даражасидаги мактаблар, спорт-соғломлаштириш мажмуаларининг барпо этилаётгани чекка ҳудудларда ҳам қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бир қатор ижтимоий дастурлар самарасида аёлларни иш билан таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмокда. 2013 йилда хотин-қизлар учун 466 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Айниқса, касб-хунар коллежлари битириувчиларининг бандлигини таъминлаш, ўз бизнесини бошлаш истагидаги хотин-қизларнинг ташаббусларини кўллаб-куватлаш, улар учун имтиёзли кредитлар ажратишга катта аҳамият берилди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётгани ўй-жойлар аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаётдаражаси ва сифатини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Маший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, миллӣ ва замонавий либослар ателье-лари куриб, фойдаланишга топширилаётгани хотин-қизлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, уларнинг янада кўркам ва латофатли бўлишига имкон яратмоқда.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги сайдиҳаракатлар туфайли хотин-қизларнинг маҳаллалар фоалитидаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда фуқаролик йигинлари тизимида меҳнат қилаётгани аёллар кўпчиликни ташкил этаётгани, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида элда обрў топган аёлларнинг фоалият олиб бораётгани қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш, тўйларни ихчам тарзда ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хотин-қизларни қадрлаш, доимий эътибор ва ғамхўрликни кундалик турмушда, меҳнат фаолиятимизда, фарзандларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда хис этмоқдамиз, — дейди Қорақалпогистон Республикаси Эллиққалъа тумани ҳокими ўринbosari, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулхумор Айтбоева. — Давлатимиз раҳбари томонидан Соғлом бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, қизлар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатишга оид ишлар кўлами ортмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 3 марта қабул қилган қарорига мувофиқ бу йил 16 қизга Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилди. Бу истеъододли қизларни рағбатлантириш борасидаги ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир. Тадбирда мазкур мукофотлар топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг 2-босқич ўкувчisi Айжамал Жолдасбаева, Қарши давлат университетининг 4-босқич талабаси Мафтұна Нодирова, Навоий вилояти Зарафшон компьютер технологиялари колледжи 1-босқич ўкувчisi Зария Қосимова истеъододли қизларни кўллаб-куватлаш, хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатётгани доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдири.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ўшлар иштироқида концерт дастури намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Буш вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

КАТТА ЙҮЛГА ЧИҚҚАН ҚИЗ

Гулбаҳор Жўраева педагогика соҳасида янги тадқиқотларга киришаётган ёшлардан. У Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг тўртинчи курс талабаси. Замонавий педагогик технологиялар ўқувчи ва талабаларга берилаётган таълим самарадорлигини белгилашини яхши билган Гулбаҳор бу борада ўз олдига аниқ мақсадларни қўйганига анча бўлган. Чунки ҳали ўзи талаба бўла туриб, бу соҳада жиддий тадқиқотларга киришгани унинг келгусидаги режаларини аниқ белгилаб олишига сабаб бўлди.

Ҳар қандай ўқувчини ҳам мавзуга қизиқтира олиш педагогдан улкан маҳорат талаб этишини кўрган Гулбаҳор таҳсил давомида устозларидан ўзига янги-янги вазифаларни олар, изланишдан қочмасди. Инглиз тилини яхши билиши, замонавий аҳборот технологияларидан хабардорлиги унинг учун айни муддао бўлди. Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультетининг касбий таълим (ер тузиш ва ер кадастри) йўналишида таҳсил олаётган қиз чет тили ва компютер технологияларидан билимини ўзи ўрганаётган соҳага самарали йўналтирган.

Педагог бирор мавзуни тушуниришдан олдин ўзи ўша мавзуни чукур ўзлаштирган бўлиши ва билганинни қизиқарли қилиб ўқувчи ва талабаларига етказиб бериши керак, деб ҳисоблайди Гулбаҳор. Ердан ҳар ким ҳар хил мақсадда фойдаланади ва бунда мавжуд қонуний меъёрлар саволларга оидинлик киритади, баъзida эса, муаммоли вазиятлар ҳам юзага келади. Соҳага оид барча фанларни пухта ўзлаштирган мутахассисга таҳсил давомида олган билимлари доимо кўмакка келади. Бундай

билимларни талабага тушунарли қилиб етказиб берувчи эса ўқитувчи. Демак, ердан унумли, мақсадли фойдаланишда педагогик технологиялар доимо мутахассисларга қанот бўлади.

Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди Дўстназар Химматиллаев раҳбарлигига Гулбаҳор Жўраева Тошкент геодезия ва картография касб-хунар коллежида Ер кадастри фанининг «Ер участкаларини рўйхатга олиш тартиби» бўйича кейс-стади технологияси асосида илмий изланишлар олиб бормоқда. Кейс-стади ўз ичига бир қанча мавзуларни жамлаган. Шулар ҳақида гапирап экан, Гулбаҳор Жўраева ўқувчига қизиқарли бўлган бундай педагогик технологиялар орасида «Бир жуфт кунгабоқар», «Мусбат зарядли золдир» каби универсал характерга эга технологияларни ўқитища ҳам қўллаш мумкинлигини таъкидлайди. Институт «Талабалар илмий жамияти»нинг фаол аъзоси бўлган қаҳрамонимиз ўзининг ўқув-амалий изланишлари натижасида «Олий таълим муассасалари талабаларининг муста-



қил ишларини ташкил этиш бўйича услубий тавсиянома»сини яратди.

— Талабалар илмий жамиятига аъзо бўлганим келгусидаги режаларимни аниқлаштириб олишга катта ёрдам берди, — дейди Гулбаҳор Жўраева. — Бу ерда тупроқшунослик, фотограмметрия, аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш кадастри, геодезия, педагогика соҳасида долзарб мавзуларда ташкил этилган илмий-амалий анжуманлар, давра сұхбатларида иштирок этиб келганим билмаганларимни билишга, илмий изланишларимни бошлашга сабаб бўлди.

Гулбаҳор Жўраева 2013-2014 ўқув иилида педагогика йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Прези-

денти стипендиасига сазовор бўлди. Бунга ўз-ўзидан эришгани йўқ, албатта. Үқищдаги ююри кўрсаткичлари, илмий ва амалий изланишлари, жамоат ишларидаги фаоллиги туфайли шундай бахт насиб этди унга. Бугун уни институтнинг энг фаол, жамоатчи талабаларидан бири сифатида биладилар.

Дарвоқе, яна бир гап. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошида шижоатли, зукко ёшлардан иборат «Ижтимоий масъул талабалар гурухи» ташкил этилган, Гулбаҳор ҳам шу гурӯх аъзоси. Институтда эса, хотин-қизлар қўмитасининг «Зулфияхоним қизлари» клуби вакили сифатида кўпгина хайрли ишларни мустақил амалга ошираётган ёшлардан биридир. Жумладан, «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти, «Эрта никоҳ оқибатлари ва репродуктив саломатлик» мавзуларида маърузалар қилиб, тарғибот ишларида ҳам қатнашиб келади. Гулбаҳор «Камолот» ЁИХ институт бошлангич ташкилоти фаоли сифатида тенгдошларига ўрнак ҳам бўлмоқда. «Камолот» тадбирлари, тарғибот лойиҳаларида фаол иштирок этади.

Гулбаҳор Жўраеванинг бугунги натижалари унинг келажакда танлаган соҳасида етук мутахассис бўлишидан дарак бераётгандек. Бироқ у ўзини ҳали катта йўл бошида эканини таъкидлайди камтарлик билан.

— Президент стипендиаси менга жуда катта рағбат бўлди, — дейди Гулбаҳор. — Энди мен янги-янги изланишларим билан шундай эътибор ва эътирофларга муносиб эканимни исботлашим керак.

Дадил қадамларингиз сизни яхши ниятларга етказсин, деймиз.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири**

БОЛАЛАР КУЛГИСИ ЯНА ҲАМ ЧИРОЙЛИ БЎЛСИН, ДЕБ...

Күш уясида кўрганини қиласи, деганларидек, Бахтинур болалигидан шифокор отасининг тиббий асбоб-ускуналарини олиб, «дўхтир-дўхтир» ўйнарди. Кимларгадир ўзича «укол» қиласди, «тиббий текширув»дан ўтказарди.



катнашдим. Компьютердан билимим тиббиётда ҳам асқотишни ҳис қилганман.

Албатта, ёш йигит қалбининг туб-тубида тиббиётга меҳр яшарди.

Тенгдошимиз Тошкент тиббиёт академиясида ўқиб юрган кезларидаёқ, тиббиёт соҳасига йўналтирилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун одам анатомияси фанидан услубий қўлланмалар яратди. Кейинчалик, аникроғи, 2010 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг болалар stomatologiya бўйича мағистратура босқичини тутатиб, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи этиб қабул қилинди. Ўтган йилдан бўён катта илмий ходим изланувчи сифатида болалар stomatologiya бўйича турли давлатларда малака ошириди. Ҳусусан, 2012 йил Германия академик алмашинув хизматининг (DAAD) гранти голиби бўлиб, Хайдельберг университетида икки ойлик илмий изланиш ва малака ошириш дастурда иштирок этиди. Ўтган йили Европа кариесология асоциацияси (European Organization for Caries Research) грантини кўлга киритиб, Англияning Ливерпул шаҳрида бўлиб ўтган конгрессда «Юрак, жигар микро кон-томографлари коктунатал онтоге-

лари учун ҳаммуалфиликда «Одам анатомияси», «Эндодонтия асослари», тиббиёт коллежлари учун «Анатомия, физиология ва патология асослари» электрон дарсликларини яратган. 2006 йили клиникаларда электрон касаллик тарихини юритиш учун махсус компьютер дастурини ишлаб чиқди. 2010 йилда эса фармацевтик компаниялар ишини автоматлаштириш учун «Easy work for MR» компьютер дастурини яратишда фаол иштирок этиди. Шунингдек, болалар stomatologiya бўйича турли давлатларда малака ошириди. Ҳусусан, 2012 йил Германия академик алмашинув хизматининг (DAAD) гранти голиби бўлиб, Хайдельберг университетида икки ойлик илмий изланиш ва малака ошириш дастурда иштирок этиди. Ўтган йили Европа кариесология асоциацияси (European Organization for Caries Research) грантини кўлга киритиб, Англияning Ливерпул шаҳрида бўлиб ўтган конгрессда «Юрак, жигар микро кон-томографлари коктунатал онтоге-

лари» номли маъruzasi билан иштирок этилди. У англиялик талабалар учун маъruzaga ҳам ўқиб катнайди.

Ўтган йили Бахтинурнинг изланишлари алоҳида эътиборга олиниб, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Камтарона изланишларим шундай эътироф этилади, деб ҳеч кутмаган эдим, — дейди «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби Бахтинур Худанов. — Негаки, қилишим керак бўлган ишларим жуда кўп. Келгусида болалар stomatologiya соҳасида кўплаб янгиликлар қилмоқчиман.

Албатта, бу сўзларни Бахтинур йўлига айтгани йўқ. У ўз олдига чиндан ҳам катта мақсадларни қўйган.

— Болалар гигиенага тўғририоя қилишса, тиш касалликлари ҳам камроқ кузатиларди, — дейди stomatolog Бахтинур Худанов. — Албатта, бунда отоналар асосий ишни бажаришлари — фарзандларини болалигидан тозаликка ўргатишила-



ри керак.

Ёш шифокор илмий тадқиқотлар ёки бирор клиникада ишлаш билангина чекланиб қолмоқчи эмас. У юртимиз бўйлаб тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқни. Мақсад — шу йўл орқали болаларга кариесдан ҳимояланиш ҳақида маълумот бериш, тиш касалликларини камайтиришга ҳисса қўшиш.

Бахтинурнинг ишига омад ва баҳт ёр бўлишини тилаймиз. Айтишади-ку, баҳт ҳам унга интилганларга ёр бўлади...

Шахло АБДУКАЮМОВА

Синингни қўлинида тўғсансан, онанини бошинида тўғ.



ЭНГ ФАОЛ СПОРТ ТАРГИБОТЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Энг фаол болалар спорти таргиботчиси» кўрик-тандовини ташкил этди. Мазкур танлов Қорақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари тизимидағи таълим муассасаларида мактаб, туман, вилоят ва республика миқёсига бўлиб ўтади.

«Соғлом бола йили» мұносабати билан ўтказила-ётган ушбу танловда юрти-мизнинг барча мактаблари қамраб олинади. Ҳар бир мактабда синфлардан ихтиёрий равишда бир нафар ўғил бола ва бир нафар қыз болани синф раҳбари аниклаб олади. Улар «Синф спорт тарғиботчиси» деб тайинланади. Спорт тарғиботчилари синфдошларни жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга үндайды. Спорт мусобақалари эса Халқ таълими вазирлиги белгилаган тартибда ийл давомида (келгуси йилнинг январь ойига кадар), ҳар ойда маълум спорт тури бўйича ўқувчилар ўртасида спорт мусо-

бақалари ташкил этилади. Спорт тарғиботчиси ўзин ҳам бирор спорт тури билан шуғулланиб, спортнинг ижодий тарғиботини йўлга кўйиши лозим. Уларнинг «Спорт ва соғлом оила — соғлом жамият асоси» мавзудаги ижодий ишлари ўн баллик тизимда баҳоланиб, «Энг яхши иншо», «Энг яхши деворий газета», «Энг яхши ролик», «Энг яхши фотосуратлар», «ОАВда эълон қилинган энг яхши мақолалар», «Энг яхши интернет мақолалири», «Энг яхши тақдимот», «Энг яхши лойиҳа» каби йўналишларни камраб олади.

лар ўртасида спорт мусо- нинг сўнгги шанба куни **Шерзод ҚУРБОНОВ**



2014-yil — Sog'lom bola yili

БОЛА МУСТАҲКАМ ОИЛАДА КАМОЛ ТОПАДИ

Оила – муқаддас түшүнчә. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мұхим йўналишиларидан бири оиласи мустаҳкамлашга қаратилган. Зеро, соглом бола айнан мустаҳкам, аҳил оиласыда камол топиши барчамизга аён. Бундай оиласарда Ватанга садоқат, ота-онага ва катталарга ҳурмат, оқибат, одамийлик каби олижаноб фазилатлар шаклланади.

Таълим мұассасаларыда үқувчи- миздан хеч кашон четла қолмайди

Галим мұсасасаларда үкүйнеларға оила одоби ва хуқуқий ассоциилар, оила иқтисиді, әр өз хотин ўртасидаги мұносабатлар ҳақида түшнүтириш ишларини олиб бориши мақсаддағы мұвоғиқдир. Шу орқали турмуш ёшидаги йигит ва қызлар-нинг оила қуриш масъулияты, рүзгор төбратишига тайёрғарлиғи ошади.

Боланинг маънавий ва жисмонан етук бўлиб улғайиши кўпгина омиларга боғлиқ. Шу маънода болаларни турли тўгаракларга жалб этиш айни муддаодир. Қизлар гимнастика, шахмат, шашка, сузиш билан шугулланса, ўғил болалар кураш, югуриш, сузиш футбол, баскетбол, волейбол, теннис тўгаракларига мунтазам қатнашса, соғлом бўлиб вояга етади. Оиласарда соғлом мұхитни шакллантиришда маҳалла фармий майдандаги қараша-жараёндарни миздайд ҳеч қачон чётка қолмайди.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини ошириш, туғиши ёшидаги аёлларни комплекс тибий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш, уларни соғломлаштириш ишларининг йўлга кўйилгани ҳам аҳамиятлидир. Хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортта кенг жалб қилиш, спорт билан шугулланишга шароит яратиш мақсадида тиббиёт мұсассасалариди, олий ва ўрта маҳсус қасб-хунар таълим мұсассасалариди спорт мұсабақаларини ташкил этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай тадбирлар аёллар ҳамда уларнинг оила аъзолари кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиб, руҳиятига кувват баҳш этади.

Соғлом фарзандлар дунёга келиши учун аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш талаб этилади. Аёл соғлом бўлса, оила тинч бўлади, фарзандларнинг тарбияси, яхши дам олиши, вақтида овқатланиши, спорт билан шуғулланишларига юқори эътибор берилади. Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида давлатимиз томонидан аёллар учун Соғлом она, соғлом бола тушунчаларини ҳеч қачон бир-биридан айриб бўлмайди. Сир эмаски, отонадаги айрим генлар болага ўтади. Баъзи ирсий қасалликлар генларда яширин ҳолда сақланади. Бундай қасалликларнинг келиб чиқиш эҳтимоли қариндошлар ўтасидаги никоҳда ортади. Бунинг оқибатида ногирон бола дунёга келиши мумкин. Она организмида микроэлементларнинг етишмаслиги камкёнлик, сувкларнинг муртлиги, ҳомиладорликнинг оғир кечиши, аёлнинг кўп қон йўқотиши ҳомиланнинг нимжон бўлиб ривожланишига сабаб бўлади. Ирсий ногиронлик биринчи авлодга ўтмаслиги мумкин. Лекин кейинги авлодларда, албатта, намоён бўлади.

дашлатмасиң томонидан аспаслар унгаливитеинларни белуп етказиб бериш йўлга қўйилган, уларнинг зарур микроэлементлар билан бойитилиши, тузни йодлаш дастурлари амалиётга татбиқ этилиши эвазига ахоли ўртасида йод танқислиги ва камқонлик касаллиги сезиларли дараҷада камайди. Юртбошимиз си булади.

Соғлем фарзандни дунёга келтириш факат ота-она эмас, жамиятнинг ҳам истагидир. Шу боис юртимизда оиласлар мустаҳкамлиги, болалар саломатлиги доимий диққат-эътиборда. Бу ишдаги масъульият эса ҳар биримизнинг зиммамизда эканини ёдда тутишимиз шарт.

**Лола ЎРОҚОВА,
Қарши шаҳар болалар
стоматологияси олий тоифали
шифокори**

БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СОФИНИБ...

Баҳорнинг илк кунларида ўзбек халқининг севимли қизи, таникли шоира Зулфия таваллудининг 99 йиллиги муноса-бати билан жойларда тантанали тадбирлар ўтказилди, мушоиралар давом этди. Ишқ ва баҳор кўйчисининг таваллуд айёмига багишланган ана шундай маърифий кечалар Коқақалпогистон Республикасининг шаҳар ва овулларида, таълим муасасаларида ҳам ташкил этилди.

Нүкүс шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Ажиниёз номидаги Нүкүс давлат педагогика институтидаги

ҳам «Баҳор келди сени соғиниб» номли адабий кечә ташкил этилди. Кечага институт профессор-ўқитувчилари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, талабалар, ёзувчи ва шоирлар ийғилдилар. Шоиранинг баҳор соғинчи билан лимо-лим мұхаббат вада садоқат, оналик меҳр-мұхаббати ифода этилган шеърлари үқилди.

Турсунгул ОТАРОВА, Нүкүс давлат педагогика институти талабаси

АЁЛ БАХТИ

Аёл бахти нафақат оиласига бўлган меҳр билан, балки юртига, касбига бўлган садоқат билан тўлиқ кўринади. Муаллима аёлларнинг келажакда шогирдлари, ўқувчиларининг камолини ва иқболини кўриши уларнинг катта орзулариданdir.

Айни пайтда, ёшларнинг суюкли устозига, фамхўр мураббийига айланган Махфузга опа ўз касбига садо-катли педагоглардан. Шо-гиридларига ҳам бу соҳанинг сир-аскорларини ўргатиш билан бирга, уларда тибби-ётга бўлган меҳрини ошири-моқда. Унинг фикрича, шо-гирилар билан ёнма-ён иш-даш, уларни эзвикини хис-

Унинг шогирдларидан Наргиза Муталова, Ди-лафрўз Анорова, Шахрўза Каюмова, Умила Турбунова

— Соғлом бола йили
оли мақолалари тез-тез
лон қилинади. Үз соҳаси-
оид кўплаб электрон дар-
иклар яратган.

Сўзлум бола ишни
носабати билан янада
проқ лойиҳалар устида
иламоқдамиз, — дейди
Раҳфузга Раҳматуллаева.
Бунинг учун ёш кадрлар
фатига алоҳида эътибор
яратдик. Уларнинг шаро-
ларини яхшилаб, лабо-
торияида ишлашлари
ун қулагийклар яратдик.

Ашурали БОЙМУРОД, «Turkiston» мухбери

Аёми бор чүй — гүлдир, аёсиз чүй гүлдир.



Adabiyotga e'tibor — ta'naviyatga, kelajakka e'tibor

МАЪСУМ ТҮЙГУЛАР ИФОДАСИ

**Шеърият шундай мўъжизаки,
йиллар ўтса-да, унинг оҳанрабоси,
жозибасини тушиш, ҳисқилиш мумкин.**

Халқимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуф шеъриятини ҳам шундай таърифлаш мумкин. У шеърлари орқали Ватан түйгусини юракларга осонгина жойлаб кўяди. Сўнг Ватан тупроғини азиз билишни, у ҳақда қайгуришни ўргатади, ва, ўз-ўзидан киши Ватангага болганиб қолади.

Шоирнинг дилбар шеърлари муҳлислар қалбига ҳали-ҳамон ўзгача завқ-шавқ бағишилаб келяпти. Шунинг учун ҳам шоир ҳақидаги хотиралар вақт ўтгани сайнин тиникалашиб бораётгандек.

Тошкент педагогика коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида Ўзбекистон ҳалқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишиланган адабий кечаки ташкил қилинди. Унда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг воқал кафедраси ўқитувчи, санъаткор Дилму-

род Узоқов, «Ёш куч» журнали, «Turkiston» газетаси таҳририяти ижодий ходимлари ҳам ташриф буюришиди.

Иштирокчилар шоир ҳақидаги хотираларидан сўзлашди, ўқувчилар шоир шеърларидан наmunalar ўқишиди.

Кечаки чинакам мушоирага, адабиёт ва санъат байрамига айланниб кетди.

— Муҳаммад Юсуф шеърлари бир ўқишида ёд бўлади. Улардан кўп маънолар, завқ олиш мумкин, — дейди коллежнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Нодира Назарова. — Ёшларнинг Муҳаммад Юсуф ижодини ўрганишига иштиёқи кучли. Бугун бунга ўзим гувоҳ бўлдим. Ёш ижодкорларнинг ўқиётган шеърлари, кўйлаётган кўшиклиари ҳам кишини кувонтиради.

Ёшларни юксак маънавиятли, ватанга, ҳалқга, истиқолла садоқат руҳида тарбиялашда Муҳаммад Юсуф шеърияти катта аҳамиятга эга. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ҳам шундан иборат эди.

**Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мұхбири**



ЎЗБЕКИСТОН

Гулдан қиёс тополмадим,
Нурдан қиёс тополмадим,
Энди сендан сўзламоқча,
Хурдан қиёс тополмадим.

Кўзларимда гулдан бандим,
Кўхна Шарқда асл қандим,
Европада Темурлари
Донг таратган Самарқандим.

Севиб-севиб ҳалқни жондан,
Муҳаббатим мерос қондан,
Тоғмаҳалнинг гулларининг
Иси келар Андикондан.

Кетди фурбат, кетди рўё,
Боқмагайсан унга қиё,
Қашқирларни ер тишлатган
Қашқадарё, Сурхондарё.

О, кўзлари қаро-қаро,
Боқшишига диллар яро,
Оқ рўмолли момоларга
Жойнамозсан, эй Бухоро.

Сўзласангиз тарих азм,
Булбуллари куйлар назм,
«Лазги»сига ўйнатади
Юз ўшларда ҳам Хоразм.

Мўъжизами бу, билмадим!
Кўзда меҳр ила термилдим.
Зомин тоғларинг бағридан,
Кетгим келмайди, Жиззахим!

Кўзларимдан губор қувсам,
Изларимдан губор қувсам,
Чақалоқдай бўлиб қолгум,
Сирдарёда юзим ювсам.

Мен баралла урарман бонг,
Шу юрт менга бўлар макон,
Сен онамсан, меҳри офтоб
Азиз юртим, Ўзбекистон!

ЎҒЛОНИМ

Кўзларингни юм энди,
Юраги уйгоқ болам.
Фақат кириб бормасин
Қалбингга мудроқ, болам.

Болам мард бўл, мардларни
Элнинг ўзи алқайди.
Ҳатто дайди шамолдан,
Тўзонлардан сақлайди.

Темурларнинг шамшири,
Яловида Ватан бор.
Ҳатто қора қўмғоннинг
Қаловида Ватан бор.

Ухла, болам, ором ол,
Кучга тўлсин билагинг.
Мен-ку, ожиз онаман,
Худо берсин тилагинг.

Кўзларингдан ўпарман,
Бахтга тўлар ҳар оним.
Менга оналик баҳти
Берган эрка ўғлоним.

Аён борки, олам тунавввар.

Talaba tadqiqoti

**Абу Райҳон Берунӣ, Захириддин Муҳаммад Бобур,
Абу Бакр Наршахий, Шарафиiddин Али Яздӣ,
Абдураззоқ Самарқандӣ, Мирҳонд, Мунис,
Оғаҳӣ сингари алломалар гарчи ҳаётлари давомида бошқа улугвор ишларни амалга оширган,
давлат ва жамоат арбоби сифатида фаолият
олиб борган бўлсалар-да, улар биз, бугунги тарих
илемини ўрганишига бел боғлаган ёшлар учун устод
мақомидаги буюк шахслар ҳисобланади. Уларнинг
илемий мероси, воқеаликларни тарих зарварақлари-
га битиб қўйишдаги усулларини ўрганиши билан
биз бениҳоя катта мактабни ўтаган бўламиз.**

ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА ХОЛИСЛИК

Масалан, машҳур «Бобурнома» китоби ўзининг бир қанча жиҳатлари билан авлодлар қизиқишига сабаб бўлиб келади. Кимнидир ундан тасвирилар санъати, бадиийлик ўзига торта, кимгадир асардаги воқеаҳодисалар қизик. Бироқ ўйлаймизки, у, авваламбор, ўзининг тарихий асар экани билан бебаҳо қўйматмага эга. Мирзо Бобур унда воқеаларни холис, услуг жиҳатдан аниқ, содда баён этар экан, бу билан у ўзидан кейинги тарихчиларга жуда катта мактаб қолдирди.

Адибнинг холислиги шундаки, у воқеалар баёнида ортиқча зеб беришга уринмайди, кўргани-билганини очиқ ёзади, кези келганда, ўзининг камчиликларини ҳам ёзишдан қочмайди, ўрни келса, рақибларининг яхши хислатларини ҳам гапириб ўтишга куч топади.

Берунийнинг ўтмиш воқеаҳодисаларни баён қилиш услуби ҳам ўзига хос. У ўзининг машҳур «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарида турли ҳалқларнинг урф-одатлари, бошидан кечиргандар, афсона ва ривоятлари тўғрисида ёзар экан, эшитган, ўрганган

маълумотларини шунчаки баён қилмайди. Балки уларни мантиқ тарозисига солиб, ҳикоя қилади. Ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдириб боради. Масалан, у ушбу асарининг «Тарихлар моҳияти ва миллатларнинг бу ҳақдаги ихтилофлари устидаги сўз» бобида оламнинг яралиши ва инсоният пайдо бўлиши ҳақида турли ҳалқлар турлича фикрда эканини айтиш билан бирга, бу ихтилофларга сабаб бўлган омиллар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади.

Тарих — ўрганганинг сари кенгайиб бораверадиган чексиз олам, дейишади устозларимиз. Бу илмга меҳр қўйган киши ундан ҳеч қачон кўнгил узолмас экан. Биз, тарихга ҳавасманд ёшларнинг вазифамиз эса, уни пухта ўрганиш, билимларимизни миллий мағкурамиз, ўз тараққиёт йўлимизга мос равишда сафарбар этишдир. Зоро, Президентимиз ҳам «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», деганларида айнан мана шу жиҳатни ҳам назарда тутганлар.

**Нурилла ТУРАМБЕТОВ,
Тошкент ислом университети талабаси**

Yoshlik ilhom

БОЛАМ

Болам тик бок, тик бок дунё кўзларига,
Боботоғдай баланд бўлсин тилакларинг.
Бугун жаҳажси қўлларингдан суяб боргум,
Эрта суяб борар мени билакларинг.

Тиллаш болам, ҳатто кўкда қушлар билан,
Айвонингга инлар солса ярашади.
Меҳр балқиб турса агар қўлларингдан,
Айвонингни келиб қушлар талашади.

Бармоқ боссанг, булоқчалар кўзин очса,
Шўх майсалар сочларини тарашади.
Эркин элнинг эркагина болалари
Отасини, тойчоқ қилиса ярашади.

Қайга борса байроғини қадаб келар,
Майдонларда мағлубият билмас кўкрак.
Ўзга элни билмадим-у, ўзбегимнинг
Ўғлонлари лочин кўзу лочин юрак.

Болам, тик бок, тик бок, дунё кўзларига,
Боботоғдай баланд бўлсин тилакларинг.
Бугун жаҳажси қўлларингдан суяб боргум,
Эрта суяб борар мени билакларинг.


ТУШЛАРИМГА НЕГА КИРАСАН?

Тушларимга нега киравсан,
Бўлмагансан мен учун армон.
Сен бош эгдинг қошимда, аммо
Севмаганман сени ҳеч қачон.

Тушларимга нега киравсан,
Термуласан хомуш, нотавон.
Хаёлларим шамолдек тўзғир,
Севмаганман сени ҳеч қачон.

Йиллар ўтди юлқилаб дилни,
Асролдингми кўнглингни ҳамон?
Тушларимга кирмагин, ахир,
Севмаганман сени ҳеч қачон.

**Гулчехра УМИРОВА,
Тошкент вилояти**



Mehr qolur... СОГИНАМАН ДИЙДОРИНГИЗНИ

Киз болани палахмон тоши дейшишади. Олти опа-сингил әдик, улгайиб ота-она багридан учирма бўлдик. Энди орамиздаги масофа анча олис. Дийдорлашганда сухбатимиз узоқ чўзилади — узун тун ҳам етмайди. Опалирим, сингилимни согинаман. Баъзида опамга ўпкараб, қачон келасиз, согиниб кетдим, дейман. У жавоб беради: «Худо хоҳласа, бирор сабаб бўлса, диийдорлашмиз...» У ҳам согинган. Аммо у туйгуларини кўп ҳам ошкор қиласермайди, феъли шунақа.

Ёшлигимизда опа-сингиллар онам тиккан чиройли кўйлаклар, ёрган митти кулчаларни деб кўп талашардик...

Бир куни опам билан талашиб қолдик. Бу ҳолатни кузатиб турган онам:

— Бўлди қилинглар, — деди иккимизга қараб. — Ҳали эрта бир кун узатилиб кетганларингда бир-бирингизни шундай согинализларки, диийдорларингга зор бўласизлар!

— Ҳечам, ҳеч қачон согинамайман шунингизни, — дедим ўйлаб ўтирай.

Опам эса индамади...

Катта опаларим узатилгач, уйда кичкина опам билан қолдик. Опам мактабни тугатгач, шаҳарга ўқишга кетди. Уйга уч-тўрт ҳафтада бир келади. Уни жуда қаттиқ согинаман. Келишини интиқ бўлиб кутаман. У келса, қувончим ичимга сифмайди. Опам бизга яхши китоблар, тувакда ўстириладиган гуллар олиб келарди. Синглим иккимизни шу китобларни ўқишга ундарди, гулларга яхши қарашимизни тайинларди. У шу йўсин бизга гўзалликка интилишни ўргатарди. Шаҳарга кетадиган куни эса ўз-ўзидан менинг қовоғим осиларди.

Буниси ҳам майли, опамга совчилар келиб тўй кунини белгилаб кетишганида ундан роса хафа бўлдим.

— Тұрмушга чиқмасангиз бўлмайдими? — дедим аччиқланиб опамга.

— Менинг ҳам сени ташлаб кетгим йўқ, — деди секингина.

— Унда нега тўйга розилик бердингиз?

— Катта бўлганингда — юрагингда муҳаббат меҳмон бўлганида тушунасан, — деди опам ўзини айбордек ҳис қилиб.

— Йўқ, гапирманг, меҳмон-пехманингизни. Мен бўлсам унга њечам кулоқ солмасдим! — дедим алам билан. — Ёмон кўраман муҳаббатингизни, у сизни мендан айиради.

Опам кулиб қўйди-да, индамади...

Бугун опа-сингиллар учирма бўлган гўшамизда яна диийдорлашдик. Онамини йўқладик. Болалик кунларимизни эсладик.

Болалик хотиралари тонгги шабададек ёқимли, қуёш нурларидек ёруғ. Хотиралар қалб дунёмиз уйига ёқимли эпкин, ёруғ нурлар олиб кирди.

Ўйлаб қоламан: болалигимизда кўйлак учун, кулча учун талашган бўлсак, энди биз, опа-сингиллар дийдор талашамиз. Опам менга онамнинг ҳикматга айланган гапларини эслатди: «Ҳали бир-бирингизни шундай согинализларки, дийдорингизга зор бўласизлар...»

Бу гал мен индамадим...

Майсара НАЗАРОВА

Sport
Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси келаси иил Австралияда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида иштирок этади. Саралаш босқичининг сўнгги турида Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси билан Тошкентда 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган жамоамизнинг муддатидан олдин 2-урин билан қитъа чемпионатига йўл олгани ҳақида хабар берган әдик.

ОСИЁ КУБОГИГА ҚУРЪА ТАШЛАНАДИ

26 марта куни Осиё футбол конфедерацияси қитъа чемпионатининг финал босқичига қуръа ташлаш маросимини ўтказади.

Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтадиган маросимда жамоалар тўртта саватчага ажратилади.

Колган иштирокчи

жамоаларнинг саватчалардаги ўрни шундай:

1-саватча: Австралия, Эрон, Япония, Ўзбекистон.

2-саватча: Жанубий Корея, БАА, Иордания, Саудия Арабистони.

3-саватча: Уммон, Хитой, Қатар, Ироқ.

4-саватча: Баҳрайн, Кувайт, Шимолий Корея, ОФК Чақирув кубоги-

нинг бу йилги ғолиби.

Келаси ҳафта ФИФА рейтинги эълон қилинади ва унда Осиё чемпионатига йўл олган терма жамоаларнинг ўрнида жiddий ўзгариш бўлмаса, мазкур саватчалардаги ўринлар сақлаб қолинади.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбери

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Сизга, эй Гулчехра қизлар, Эътибор, Айтамиз кўнгилда орзу неки бор. Ой Ҳалима, ҳам Малика, Турсуной. Эй чирою файзга бою шеъри сой...

...Бибисора ҳам Санобар ҳайдадир, Битта шеъри бир зиёфатга татир.

Хуллас, энди барчангиз ҳамдам бўлинг, «Худди қизлар давраси»дек жам бўлинг...

Мазкур сатрлар қайси атоқли ўзбек шоирининг шеъридан олинганини айтинг.

Жавобингизни **11 март соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97** рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамида эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Абу Али ибн Сино.

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Тошкент шаҳридаги 242-мактаб ўқувчиси Манзура Суюнова ҳамда Наманган вилояти Норин туманидан Хайрулла Бегматов йўллади.



YON DAFTARCHANGIZGA

Аёл — меҳр-муҳаббат ва назокат тимсолидир.

Жан-Жак Руссо

Бош муҳаррир:

Ашурев Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Юсупов
Рустам
Қўчкорович

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-357.
Адади — 12859

Босиша топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.35
ЎзА якуни — 21.35

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигига 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
били рўйхатдан
ўтган.

